

**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун

Қарши ш.

2022 йил 25 Август

“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (кейинги Ўринларда – Компания) номидан 2021 йил 30 декабрдаги 27-01-14/6031-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Қашқадарё филиали директори Ж.Бозоров (кейинги Ўринларда – Оператор) бир томондан ва ЎзР ШҒХЗ Халқ Абадончаси номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ш.Ш.Томонлар (кейинги Ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги Ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги Ўринларда – Шартнома) туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги Ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлик танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузди;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли модиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз тинловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлов биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор улашганда Абонент тўловни **100 (бир юз) фонд** миқдоридан олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда) 150000 () сўмини ташкил этади. Ушбу сумма () сўм миқдоридаги Абонент тўловини ҳамда () миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортинча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йули билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаглигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блоктировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоктировка қилиш тартиби Оферта қондалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўлашни мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўлнмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштирилган ҳисоб-фактура билан ётилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлик календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ун) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобда, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баленси саноқ бўлганда **1 (бир) календарь** ойдан ошмаган муддатта Абонентнинг қафолит хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чуқурлиги ҳолатлари бундан мустасно).

5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судга ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонуни ҳужжатларига мувофиқ Қарши туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар мажбурий Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон

кўрмасликларни ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликларни юзасидан мажбурийларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юкори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашни чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қондларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таслиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат ташб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

7. Яқиний қондалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга титбик этилмайдми) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатта олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабр қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта ақсиптини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p style="text-align: center;">ОПЕРАТОР: “Ўзбектелеком” АК Қашқадарё филиали</p> <p>Манзил: Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Бешкент йули 3 км</p> <p>Банк маълумотлари: х/р: 20 210 000 504 074 838 334; СТИР: 203 366 731; МФО: 00401; АТБ “Алохабанк” Тел: 1155 Call марказ, 75 221-5300; E-mail: qashtel@uztelecom.uz, qashmarketing@uztelecom.uz;</p> <p>Оператор номидан:</p> <p>Директор <u>Ж.С.Бозоров</u> /имза/</p> <p>м.ў.</p>	<p style="text-align: center;">АБОНЕНТ: Қашқадарё вилоят ҳокимлиги</p> <p>Манзил: <u>Qashqadaryo viloyat hokimligi</u> <u>Manzili: Qarshi sh. Mustaqillik 1-uy</u> <u>Telefon: (75) 221-20-19</u></p> <p>Банк маълумотлари: х/р: <u>80014 8601840701120501800</u> СТИР: <u>201999056 OKONX: 97400</u> СТИР: <u>O'Z.R. Moliya Vazirligi G'aznachiligi</u> <u>№: 23402000300100001010</u> МФО: <u>Bank: Markady bank Toshkent shBB XKKM</u> Банк номидан: <u>00014 STIR: 201122919</u> Тел: _____ E-mail: <u>NO VILOYAT</u> _____</p> <p>Абонент номидан:</p> <p>Ишлар бошқармаси бошлиғи <u>Н.Темиров</u> /имза/</p> <p>м.ў.</p>
	